

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
Чет эл капитали иштирокидаги  
«Hamkorbank»  
акциядорлик тижорат банки

Банк Кузатув Кенгаши Раиси  
И. И. Ибрагимов



2014 й. «18» декабр.

**«РЎЙХАТДАН  
ЎТКАЗИЛГАН»**

Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва  
ривожлантириш маркази  
Бош директори Б. А. Атаханов



2014 й. «31» декабр № PO249-18  
М.Ў.

**«ЖЕЛИШИЛГАН»**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Раисининг биринчи ўринбосари  
У. М. Мустафоев



2014 й. «23» декабр

М.Ў.

### АКЦИЯЛАР КЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР

Эмитент – *Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank»* *акциядорлик тижорат банки.*

Идентификация раками берилди: 

A	U	1	1	8	P	0	2	4	9	R	3
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 138 (Бир юз ўттиз саккиз) сўм бўлган, 70 000 000 (Етмиш миллион) дона оддий акциялар.

Акцияларнинг ушбу чиқарилуви хусусий жойлаштириш (ёпиқ обуна) орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 18 чиқарилишдир.

Тасдиқланган: «Hamkorbank» АТБ Кенгаши йиғилиши; 2014 йил «18» декабр кунги баённомаси.

Қарор қабул қилинган: «Hamkorbank» АТБ Кенгаши йиғилиши; 2014 йил «18» декабр кунги баённомаси.

Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси, 85 уй; тел: 8 (374) 298-08-98; 298-04-33

**«НАМКОРБАНК» АТБ  
БОШҚАРУВ РАИСИ**

О.Ю. ТУРАЖАНОВА



**БОШ БУХГАЛТЕР**

Ф.Н. ЎРМОНОВА

Сана: 2014 й. «18» декабр

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки - оддий акциялар; имтиёзли):

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:

- хужжатсиз;

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):

138 сўм;

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):

70 000 000 дона;

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):

9 660 000 000 сўм;

6. Ушбу чиқарилишдаги акция эгаларининг ҳуқуқлари:

**Банкнинг оддий акциялари акциядорларга Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 26-27 ва бошқа моддаларда назарда тутилган ҳуқуқларини беради.**

**Банк Уставига кўра акциядор қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- а) банк акциядорларининг реестрига киритилиш;
- б) депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- в) банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- г) банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- д) акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
- е) банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- ж) олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- з) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- и) ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплашини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- к) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат. нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- л) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугўрта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва банк уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан Банк Уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Банк уставига чеклашлар кўрсатиб ўтилмаган.

Ушбу чиқарилувдаги акциялар Банк акциядорларининг 18 декабр 2014 йил кунги реестрига кирган акциядорлар ўртасида ўз улушига пропорционал равишда жойлаштириш амалга оширилади.

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): 60 720 000 000 (Олтмиш миллиард етти юз йиғирма миллион) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 423 575 000 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги оддий ва 16 425 000 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги имтиёзли, жами 440 000 000 дона акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

а) облигациялар чиқариш учун асос: «Ҳамкорбанк» ОАТБ Кенгашининг 2009 йил 01 май кунги қарори («Ҳамкорбанк» ОАТБ Кенгашининг 2009 йил 01 май кунги 6-сон мажлис баёни);

б) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: хужжатсиз (нақдсиз), эгасининг номи ёзилган, оддий, фонзли облигациялар;

в) жойлаштиришни бошлаш санаси: 28 сентябр 2009 йил;

г) жойлаштиришни тугатиш санаси: 4 сентябр 2010 йил;

д) чиқарилишдаги облигациялар сони: 8 000 000 дона;

е) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм: 1 000 сўм;

ж) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм: 8 000 000 000 сўм;

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

**Ушбу чиқарилувдаги акциялар Банк Кенгаши томонидан чиқарилув тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага, яъни 18 декабр 2014 йил кунга шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрига кирган акциядорлар ўртасида ўз улушига пропорционал равишда хусусий жойлаштириш (ёпиқ обуна) орқали амалга оширилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби).

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).

**Акцияларни жойлаштириш акциялар чиқарилишини Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 30 кун ичида**

амалга оширилади. Жойлаштиришнинг тугатиш санаси ушбу чиқарилувдаги охириги акция жойлашган кун, лекин бу сана акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 30 кундан ошмаслиги керак.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишнинг тартиби:

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишнинг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириши амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириши эмитентга акцияларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қогозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қогозларни жойлаштириши бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).*

Ушбу чиқарилувдаги акциялар Банк акциядорларининг 18 декабр 2014 йил кунги реестрига кирган акциядорлар ўртасида ўз улушига пропорционал равишда жойлаштириш амалга оширилади. Чиқарилув бўйича барча битимлар қонунчиликда ўрнатилган тартибда биржадан ташқари уюлмаган бозорларда савдолар орқали амалга оширилади. Акциялар резидентлар ва норезидентлар ўртасида жойлаштириш қонунчилик билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Банк ўз акцияларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда жойлаштиришда андеррайтерлар хизматидан фойдаланмайди;

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни депозитарийлар амалга оширади. Мазкур эмиссия учун «НАМКOR-DEPO-INVEST» масъуляти чекланган жамияти билан хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган. Депозитарийлар ўз депонентларининг ҳисобварақларида уларнинг Қимматли қогозлар марказий депозитарийсидаги вакиллик ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган акцияларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади.

Акцияларни сақлаш ва банк акциялари эгаларининг реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи функциясини бажарувчи - Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

Реестрни марказий рўйхатдан ўтказувчи:

Ўзбекистон Республикаси қимматли қогозлар Марказий Депозитарийси Давлат Унитар Корхонаси

Манзили: Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 10-уй,

Почта манзили: 100000, Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 10-уй,

телефон: 8 (371) 236-14-34, факс: 8 (371) 233-13-57

Банк акцияларининг ҳисобини юритувчи хизмат кўрсатувчи депозитарий ҳақида маълумот:

Тулик номи: «НАМКOR-DEPO-INVEST» масъуляти чекланган жамияти

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: масъуляти чекланган жамияти

Жойлашган жойи: Андижон шаҳар, Бобур шох кўчаси, 53-уй.

Почта манзили: 170119, Андижон шаҳар, Бобур шох кўчаси, 53-уй.

Телефон: 8 (374) 235-13-98, Факс: 8 (374) 235-13-98

Лицензия: Қимматли қогозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2013 йил 16 августда берилган, 1161-сонли лицензия;

Мазкур лицензиянинг амал қилиш муддати: Чекланмаган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

*(Жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида белгиланган тартиби;*

*жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).*

Ушбу чиқарилиш доирасида жойлаштириладиган акцияларнинг сотиб олинишида акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқлари қўлланилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:  
*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*  
*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)*

Мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар Конунчиликда белгиланган тартибда бозор қийматида лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташиқлотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш - тоатириш даволатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш мuddати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)*

- Банк (эмитент) ва инвестор (акциядор) ўртасида тузилган икки томонлама шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда:

- юридик шахслар учун - тўлов топшириқномаси билан «Hamkorbank» АТБ ва филиалларида 30318 (Чиқарилган акциядорлик капитали - Оддий) баланс ҳисобварақларига пул ўтказиш йўли билан;

- жисмоний шахсларга – 30318 (Чиқарилган акциядорлик капитали- Оддий) баланс ҳисобварақларига нақд пул тўлаш, «Hamkorbank» АТБ ва бошқа банкларда очилган депозит ҳисобварақларидаги маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

- Банк акциялари бўйича нақд пулга ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб «Hamkorbank» АТБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган қондалар асосида амалга оширилади. Банк акциялари бўйича тўловларни мол-мулк ҳисобига амалга ошириш мумкин эмас.

Банкка акцияларни сотиб олиш учун нақд пул тўланиши ва пул кўчирилиши мумкин бўлган банк филиаллари рўйхати:

Филиал номи	Жойлашган манзили
1. Амалиёт бошқармаси	Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 85 уй
2. Нодирбаегим филиали	Андижон шаҳри, Бозор кўчаси, 2 уй
3. Асака филиали	Асака шаҳри, Бобур кўчаси, 64 уй
4. Шаҳрихон филиали	Шаҳрихон шаҳри, Хамза кўчаси, 7 уй
5. Кўргонтөпа филиали	Кўргонтөпа шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 98 уй
6. Хўжабод филиали	Хўжабод тумани, Мадъиев номли агрофирма, Маданият сарой биноси.
7. Чинобод филиали	Баликчи тумани, Чинобод шаҳри, Чинобод шох кўчаси, 19 уй.
8. Жалолқудук филиали	Жалолқудук тумани, Охунбобоев шаҳри, Навоий кўчаси, 18 уй.
9. Фарғона филиали	Фарғона шаҳар, Б.Марғилоний кўчаси, 74 уй.
10. Қувасой филиали	Қувасой шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1 уй.
11. Марғилон филиали	Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 440А уй.
12. Наманган филиали	Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 31 уй.
13. Қўқон филиали	Қўқон шаҳри, Қипчоқариқ кўчаси, 98 уй.
14. Тошкент филиали	Тошкент шаҳри, Олмазор массив, Фуркат кўчаси, 14 уй.
15. Янақдрой филиали	Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 57 уй.
16. Чинистиллик филиали	Тошкент шаҳри, Хамза тумани, М.Хасанова кўчаси, 5 уй.
17. Чиноз филиали	Чиноз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 12 а уй.
18. Янги йул филиали	Янги йул шаҳри, Самарқанд кўчаси, 215 уй.
19. Олмалиқ филиали	Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10 уй.
20. Бухоро филиали	Бухоро шаҳри, К.Муртазаев кўчаси, 5 уй.
21. Термиз филиали	Термиз шаҳри, Ат.Термизий кўчаси, 15-а уй.
22. Урганч филиали	Урганч шаҳри, Пахлавон Махмуд кўчаси, 59 уй.
23. Самарқанд филиали	Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 149 уй.
24. Қарши филиали	Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 41 уй.

25. Нукус филиали	Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 135-уй.
26. Навоий филиали	Навоий шаҳри, Галаба шох кўчаси, 198-В уй.
27. Денов филиали	Денов тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 255-А уй.
28. Чилонзор филиали	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Д-20А мавзеси.
29. Гулистон филиали	Сирдарё вилояти, Гулистон ш., Муस्ताкиллик кучаси, 121-уй
30. Жиззах филиали	Жиззах шаҳри, Кассоблик маҳалласи, Ш.Рашидов кучаси, 35-уй
31. Шайхонтоҳур филиали	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Беруний-Хувайдо кўчалари кесишмаси 12а-уй
32. Боготинмаъл филиали	Самарқанд шаҳри, М.Қошғарий кўчаси 49-уй

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас):

Акциялар чиқарилувининг ҳажмидан 60 фоизлик улуши 30 календар кун муддатда жойлаштирилмаган тақдирда акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови саёфатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинганлигини ошкор қилувчи маълумот «Hamkorbank» АТБ томонидан РФБ Тошкент расмий сайтыда ҳамда Банкнинг расмий сайтыда эълон қилинади. Ушбу маълумот чоп этилган санадан сўнг барча инвесторлар «Hamkorbank» АТБ га пул маблағларини қайтариш тўғрисидаги ариза билан (банк реқвизитлари кўрсатилган ҳолда) мурожаат қилишлари лозим.

«Hamkorbank» АТБ акцияларини сотиб олиш учун ўтказилган маблағларни юқорида қайд этилган ариза банкка келиб тушган санадан бошлаб 10 кун ичида аризада кўрсатилган ҳисобварақларига ўтказиб бериш мажбуриятини олади. Аризада юридик шахслар учун асосий ҳисобварағи, жисмоний шахслар учун омонат ҳисобварағи кўрсатилиши лозим.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Рўйхатга олинган акцияларнинг чиқарилуви тўғрисидаги ахборотларни РФБ Тошкент расмий сайтыда ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) электрон тарзда жойлаштириш орқали ва Банкнинг расмий сайтыда ([www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)) электрон тарзда жойлаштириш орқали ошкор қилинади.

Маълумотлар-ахборот тизими манзили: [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz); [www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)

Эмиссия рисоласи ва чиқарилув тўғрисидаги қарорнинг асли билан Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 85-уйда жойлашган «Hamkorbank» АТБнинг «Қимматли қоғозлар билан ишлаш ва биржа амалиётлари» бўлимида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Банкнинг тўлиқ номи: Чет эл капитали иштирокидаги Hamkorbank акциядорлик тижорат банки Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида «Андижонбанк» акциядорлик тижорат банки номи билан 1991 йил 31 августда 20-рақам билан рўйхатдан ўтган. «Хамкорбанк» акциядорлик тижорат банки номи билан 2000 йил 24 июлда 64-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қайта рўйхатдан ўтган. «Хамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банки номи билан 2008 йил 21 августда 64-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қайта рўйхатдан ўтган. Чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» АТБ номи билан 2014 йил 5 декабрда 64-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қайта рўйхатдан ўтган

Лицензия рақами: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2014 йил 13 декабрда берилган, 64-рақамли Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2014 йил 13 декабрда берилган, 72-сонли Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун Бош лицензия.

Эмитентнинг асосий фаолият тури бўлиб банк фаолияти ҳисобланади.

«Hamkorbank» очик акциядорлик тижорат банкининг ҳисобрақами №19907000400000083001, банк коди 00083.

2. Банкнинг ташкилий –ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти.

3. Банк манзили: Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси 85-уй.

Тўлиқ почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳри, 170119, Бобур шох кўчаси, 85-уй.

Статистика органларидан рўйхатдан ўтганлиги: 2010 йил 3 мартда Ўзбекистон Республикаси Давлат

Статистика Қўмитаси Андижон Вилояти Статистика Бошқармаси томонидан Ягона давлат

Регистрга киритилганлиги тўғрисида 2151-рақамли Гувоҳнома берилган.

КТУТ хос рақами

код 14929892

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури

код 96120

МШТ бўйича мулкчилик шакли

код 144

ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли

код 1150

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами

код 1703401

Солиқ органининг номи ва СТИР коди:

Андижон шаҳри Давлат солиқ инспекцияси,  
СТИР коди 200242936

Handwritten text at the top of the page, including a date and possibly a reference number.

Main body of handwritten text, appearing to be a letter or official document, written in Cyrillic script.



Official stamp area containing the text: "Уланғорбань, ЖИИТ", "Салтанат, елордалық бас мүдделер", "Жағалы 5 (50) қаулақталған", "Қорғалған қорғалған", "Сол қорғалған".

